

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ШОДИЕВА МУШАРРАФ САДИРОВНА

**ЎСМИРЛАРДА ГАСТРОДУОДЕНАЛ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ
КЛИНИК-МОРФОЛОГИК, ИММУНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ ВА
ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.02-Морфология
14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of Sciences (DSc)

Шодиева Мушарраф Садировна

Ўсмирларда гастродуоденал касалликларнинг клиник-морфологик, иммунологик жиҳатлари ва даволаш усулларини оптималлаштириш3

Шодиева Мушарраф Садировна

Клинико-морфологические, иммунологические аспекты гастродуоденальных заболеваний у подростков и оптимизация методов лечения27

Shodiyeva Musharraf Sadirovna

Clinical-morphological, immunological aspects of gastroduodenal diseases in adolescents and optimization of treatment methods49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published scientific works53

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ШОДИЕВА МУШАРРАФ САДИРОВНА

**ЎСМИРЛАРДА ГАСТРОДУОДЕНАЛ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ
КЛИНИК-МОРФОЛОГИК, ИММУНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ ВА
ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.02-Морфология
14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.DSc/Tib980 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасининг (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг www.ziyounet.uz манзилларида жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар

Тешаев Шухрат Жумаевич

Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Наврузова Шакар Истамовна

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Расулов Хамидулла Абдуллаевич

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Рагимов Разин Мирзекеримович (Россия)

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Арзикулов Абдурайим Шамсиевич

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот

Витебск халқлар дўстлиги давлат ордени тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ кунини соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади Манзил: 200126, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. e-mail: info@bsmi.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200126, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй).

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ кунини тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М.Р.Мирзоева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори

Н.Қ. Дўстова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

А.Р.Облокулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнги йилларда дунёнинг барча мамлакатларида гастродуоденал касалликлар ортиб бормоқда. Хозирги вақтда гастродуоденал патологияларни ташхислаш ва даволаш соҳасида эришилган ютуқлар ва ташкилий-тиббий чора-тадбирлар амалга оширилишига қарамай, бу муаммо долзарблигича қолмоқда. *Helicobacter pylori* инфекцияси гастрит, гастродуоденит, лимфома ва ошқозон саратони каби гастродуоденал тизим касалликлари сабабларидан биридир. Ушбу инфекция дунёда кенг тарқалган, маълумотларга кўра, «... дунё аҳолисининг 50% игача *Helicobacter pylori* инфекцияси билан касалланган»¹. Шунини таъкидлаш лозимки, глобал миқёсда гастродуоденал патологиялар, хусусан, гастродуоденит ва меъда яра касалликларининг ортиб бориши, патогенезининг мураккаблиги ва оқибатларининг оғирлиги ўз навбатида, уларни эрта ташхислаш, оқибатларини башоратлаш, даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида болалар орасида гастродуоденал касалликларнинг учраш даражаси ва ривожланишининг клиник-иммунологик жиҳатларини аниқлаш, даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада болаларда гастродуоденал патологияларни келиб чиқиши ва ривожланиш хавфи омилларини аниқлаш, *Helicobacter pylori* кўзгатувчисини ундириш, турли биологик хусусиятларини аниқлаш, касалликда биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлар ҳолатини аниқлаш, патологиянинг муҳим иммуногенетик маркерларни аниқлаш, оғир кўринишлари клиник кечиши механизмларни аниқлаш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда *Helicobacter pylori* инфекцияси хавфини эрта ташхислаш, олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқиш, ҳамда керакли профилактик чора-тадбирларини белгилаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан болаларда учрайдиган гастродуоденал касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларида «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш ва самарали ташхислаш»² каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш,

¹ Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти. Факт варақаси: Туғма аномалиялар <https://www.who.int/en/news-room/fact-sheets/detail/congenital-anomalies> (01.12.2020)

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7 феврал 2017 йилдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947 сон Фармони.

соғлом муҳит яратиш, айниқса, болаларда учрайдиган гастродуоденал касалликлар ривожланишининг клиник хусусиятларини ва иммуногенетик прогнозлаш маркерларини аниқлаш ҳамда олиб боришга янги дифференциал ёндошувлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохатлар самарадорлигини янада ошириш чора–тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513 сонли «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора–тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³.

Ҳазм системаси касалликлари диагностикасининг турли усуллари самарадорлигини клиник ва патогенетик асослашга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг қуйидаги илмий марказлари ва олий ўқув юртларида олиб борилмоқда: Karolinska Institute (Швеция), King's College London (Англия), University of Hong Kong (Гонконг), University of Michigan (АҚШ), University of Gothenburg (Швеция), Harvard University (АҚШ), University of Zurich (Швейцария), University of Bern (Швейцария), Tokyo Medical and Dental University (Япония), University of Melbourne (Австралия), Peking University (Хитой), Academic Medical Center University of Amsterdam (Нидерландия), Maastricht University Medical Center (Голландия), State University of New York (АҚШ), West Wales General Hospital (Буюк Британия), the University of Auckland (Янги Зеландия), Medanta hospital (Ҳиндистон), Первый Московский государственный медицинский университет имени И.М. Сеченова (Россия), Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон), Тошкент педиатрия тиббиёт институти (Ўзбекистон), Бухоро давлат тиббиёт институти (Ўзбекистон).

³ www.xbmu.edu.cn, www.csu.edu.cn, www.unimeib.edu.au, www.hku.hk, www.otago.ac.nz, www.ucs.edu, www.allergic/en, www.aapd.org/, www.aaphd.org/, www.nidcr.nih.gov/research, www.nih.gov, www.mcmaster.ca, www.uchile.ci/english, www.scienceinstitute.in/, www.allergic.edu/

Республикамизда болаларда сурункали гастродуоденитда иммунологик ўзгаришлар диагностикаси, уларни дифференциал ташхислаш ва даволаш бўйича фундаментал ва клиник тадқиқотлар кам ўрганилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. СГ билан оғриган беморларда яллиғланиш жараёнининг оғирлиги ва унинг терапияга чидамлилиги билан бевосита боғлиқ бўлган IL-1 ва TNF-а каби яллиғланишга қарши цитокинлар даражасининг сезиларли даражада ошиши кузатилади. Шу билан бирга, IL - 10 даражасининг пасайиши иммунорегуляция механизмларининг етишмовчилигини кўрсатади, бу даволашни мураккаблаштиради ва касалликнинг прогнозини ёмонлаштиради (R. Yazdani, M. Fatholahi, M. Ganjalikhani Hakemi, 2016).

H. pylorining юқори частотаси сурункали гастритнинг юқори частотасини белгилайди (Ивашкин В. Т., Маев И. В. ва бошқ., 2021). Сурункали гастрит (СГ) патогенезининг иммунологик жиҳатлари илмий тадқиқотларнинг марказида бўлиб қолмоқда. IgA ва IgG иммуноглобулинлари даражасининг пасайиши билан ифодаланган гуморал иммунитетнинг сезиларли номуносорблиги аниқланди, бу маҳаллий ва тизимли иммунитетнинг танқислигини кўрсатади, яллиғланиш жараёнининг сурункали ҳолатга ўтиши ва асоратлар хавфини, шу жумладан ошқозон яраси касаллигини оширади. Иммунитет ҳолатининг бузилиши *Helicobacter pylori* билан боғлиқ СГ бўлган ўспиринларда энг кўп намоён бўлади ва беморларнинг ушбу тоифасини даволаш учун ўзига хос терапевтик ёндашувларни ишлаб чиқишни талаб қилади (Кароматов И. Д. ва бошқ., 2014).

Мамлакатимизда ҳам дунёнинг ривожланган мамлакатларида бўлгани каби (Шашель В.А., Левин П.В., 2019) сўнгги йилларда ошқозон ичак трактидаги касалликларда клиник-лаборатор ўзгаришлар, жумладан ташқи секретор етишмовчиликни аниқлаш доирасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда (Камилова А.Т. ва ҳаммуал., 2020). Кўпгина тадқиқотлар натижасида гастродуоденал патологияга чалинган болаларда ҳазм тизими барьер функциясида ўзгаришлар кузатилган (Рахмонова Л.К., Каримов У.Н., 2019). Кўплаб тадқиқотлар *Helicobacter pylori* инфекцияси болаларда гастрит ва гастродуоденитнинг энг кенг тарқалган этиологик сабаби эканлигини исботлаган. Уларнинг тарқалиш частотаси аниқ кўрсаткичи аниқланмаган, ammo дунё аҳолисининг 60%и бу микроорганизм билан касалланган, деб тахмин қилинган.

Шундай қилиб, гастродуоденал патологияни ташхислаш, даволаш ва олдини олишнинг самарали ва хавфсиз усулларини излаш ва кенг клиник қўллаш учун олинган натижалар асосида тавсиялар яратиш бўйича илмий тадқиқотлар долзарб бўлиб қолмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муссасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институти илмий тадқиқот ишлари режаси асосида DSc №043 02.2019 «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш

хамда янги даволаш профилактика усулларни ишлаб чиқиш 2022-2025 йй.» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади анор данаги мойининг самарадорлигини клиник, морфологик ва иммунологик баҳолаш орқали ўсмирларда гастродуоденал касалликларни даволашни оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

оқ зотсиз каламуш ошқозони морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини онтогенезнинг постнатал даврларида ўрганиш;

ошқозон яраси чақирилган оқ зотсиз каламуш ошқозони морфологик кўрсаткичларини орган соҳалари бўйича ўрганиш;

ошқозон яраси чақирилган оқ зотсиз каламуш ошқозонига анор данаги мойи юборилганда келиб чиқадиган морфометрик ўзгаришларни аниқлаш ва соғлом ҳамда ошқозон яраси чақирилган гурухлар ошқозони морфометрик кўрсаткичлари билан солиштирма таҳлилни ўтказиш;

сурункали гастрит бўлган ўсмирларда гуморал иммунитет ва цитокин синтези ҳолатини ўрганиш;

ўсмирларда сурункали гастритнинг ошқозон ярасига ўтиш хавфининг иммунологик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;

сурункали эрозив гастрит бўлган ўсмирларда анор данаги мойидан фойдаланиш самарадорлигини клинико-морфологик ва иммунологик баҳолаш;

Тадқиқот объекти. Тажриба учун 108 та 1-2 ойлик оқ зотсиз эркак жинсли вазни 100 дан 150 граммгача бўлган каламушлар олинган. Ҳайвонлар назорат ва экспериментал гурухларга бўлинган. Назорат гуруҳига жароҳатлардан олдин ўрганиш учун танланган каламушларнинг морфологик ва морфометрик таҳлил натижалари киритилган. Экспериментал гуруҳда каламушлар "А" кичик гуруҳига бўлинган бўлиб, улар экспериментал гастрит ва ошқозон яраси идукция қилинган ва даволанмаган ҳайвонлардан иборат бўлган. "В" кичик гуруҳи экспериментал гастрит ва ошқозон шиллиқ қавати шикастланган ҳайвонлардан иборат бўлиб, анор данаги мойи (АДМ) билан даволанган.

Клиник тадқиқот объекти 14-17 ёшдаги сурункали гастрит билан касалланган 120 нафар тадқиқот учун танланган болалар бўлиб, улар 2021-2023 йилларда Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (БВКТТМ) гастроэнтерология бўлимига ётқизилган.

Иммунологик тадқиқотлар учун жами 120 нафар болалар олинган: *Helicobacter pylori* билан боғлиқ СГ билан касалланган 45 нафар бемор 1-гуруҳ, *Helicobacter pylori* билан боғлиқ бўлмаган СГ билан 45 нафар бемор 2-гуруҳни ташкил этган. Назорат гуруҳи сифатида 14-17 ёшдаги 30 нафар соғлом бола текширилган.

Тадқиқот предметини периферик қон, биокимёвий ва иммунологик тадқиқотлар учун қон зардоб, ошқозон-ичак тизимининг функционал ва инструментал текширишлари натижалари ташкил этган.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида умумий клиник, биокимёвий, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба анор данаги мойи оқ каламушларда индометацин ва сирка кислотаси келтириб чиқарадиган эрозия ва ўткир яраларда самарали эканлиги ва сурункали гастритнинг ошқозон ярасига ўтиш жараёнини секинлаштириши исботланган;

сурункали гастрит *Helicobacter pylori* билан боғлиқлигидан қатъи назар, IgG танқислиги фонида sIgA ва IL-10 даражасининг пасайиши, АСТ, TNF-а, VEGF-A даражасининг ошиши билан тавсифланганлиги аниқланган;

ўсмирларда сурункали гастрит *Helicobacter pylori* билан боғлиқлигидан қатъи назар, IgG танқислиги ва sIgA камайиши фонида ривожланиши аниқланган;

сурункали гастрит *Helicobacter pylori* билан боғлиқлигидан қатъи назар, ўсмирларда TNF-а даражасининг ошиши кузатилган, бу ошқозон яраси касаллигини ривожланиш хавфи юқори эканлигини исботланган;

citoкинларнинг юқори концентрациялари IL-1 >5.9 пг/мл, IL-10 <8.7 пг/мл, TNF-а >17.0 пг/мл ва VEGF-A >115.6 пг/мл ўсмирларда сурункали гастритнинг яра касаллигига ўтиш хавфининг иммунологик кўрсаткичлари бўлиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

анор данаги мойининг индометацин ва сирка кислотаси келтириб чиқарадиган экспериментал яраларда оқ каламушларнинг ошқозонидаги морфологик ва морфометрик ўзгаришларга таъсирини ўрганиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

ўсмирларда сурункали гастритнинг ошқозон ярасига ўтиш хавфи индикаторларини ишлаб чиқиш бўйича услубий тавсиялар болалар гастроэнтерологлари ва педиатрларнинг амалий фаолиятига тадбиқ этилган;

ўсмирларда СГ нинг ошқозон ярасига трансформациясини тўғри ташхислаш ва прогноз қилиш учун диагностика стандартларига АСТ, citoкинлар IL-1, IL -10, TNF-а ва VEGF-A тахлилларини киритиш тавсия этилган;

ўсмирларда сурункали гастритнинг ошқозон ярасига ўтиш хавфининг ўзига хос иммунологик кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишларида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги; назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши; олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги; беморлар сонининг етарлилиги; клиник, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги; тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги; хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, СГ да иммунологик параметрларнинг аниқланган хусусиятлари уларнинг коморбидликдаги патогенетик механизмларининг янги жиҳатларини очиб беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар асосида амалий соғлиқни сақлаш бўйича тавсиялар, назорат схемалари, соғломлаштириш ва назорат қилиш дастури, даволаш самарадорлигининг ранг зоналари ва СГни даволаш сифатини яхшилаш учун хизмат қилади, бу терапевтлар, педиатрлар ва иммунологларга беморларни олиб бориш тактикасини танлаш имконини беради. Оптимал даволаш усули, диагностика, ва профилактика чоралари сифатини оширишга ёрдам беради. Буларнинг барчаси ўсмирларда СГ асоратларини олдини олишга, иқтисодий харажатларни камайтиришга ва ушбу когортадаги беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш. Ўсмирларда сурункали гастритнинг ошқозон ярасига ўтишининг хавф омилларини ҳамда анор уруғи ёғининг экспериментал яраларда лаборатория ҳайвонларининг ошқозонида морфологик ва морфометрик ўзгаришларга таъсирини қиёсий таҳлил қилиш натижаларига кўра:

биринчи илмий янгилик: илк мартаба анор данаги мойи оқ каламушларда индометацин ва сирка кислотаси келтириб чиқарадиган эрозия ва ўткир яраларда самарали эканлиги ва сурункали гастритнинг ошқозон ярасига ўтиш жараёнини секинлаштириши тўғрисидаги маълумотлар Бухоро давлат тиббиёт институтининг Эксперт комиссиясининг 24 йил 13 майдаги 088-м/2024-сонли хулосаси билан тасдиқланган “Анор уруғи ёғининг экспериментал яраларда лаборатория ҳайвонларининг ошқозонида морфологик ва морфометрик ўзгаришларга таъсири” деб номланган услубий тавсиянома таркибига киритилган. Мазкур таклиф РШТЎИМ Бухоро филиали (22.05.2024-йилдаги 91-сонли буйруқ), Самарқанд вилоят БКТТМ (16.05.2024-йилдаги 794-сонли буйруқ) ҳамда Бухоро вилоят БКТТМ (17.05.2024-йилдаги 48-сонли буйруқ) клиник амалиётига жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* анор данаги мойидан фойдаланиш ошқозон шиллиқ қавати эрозияси ҳамда ўткир яраларида самарали эканлиги аниқланган бўлиб, сурункали гастритнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқилган услубий тавсияномаларни қўллаш натижасида ошқозоннинг органометрик ва морфологик параметрларини оптималлаштириш имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* Вилоят ва туман тиббиёт марказлари гастроэнтерологлари ва педиатрларининг амалий фаолиятида тавсия этилган тактикадан фойдаланиш битта беморни даволаш учун давлат бюджетидан 430 минг сўм миқдорида молиявий харажатларни тежаш имконини берди. *Хулоса:* Тадқиқот шуни кўрсатадики, анор данаги мойини қўллаш яллиғланиш жараёнларини сезиларли даражада камайтиради ва яраларни шикастланишларнинг тезда битишини рағбатлантиради.

иккинчи илмий янгилик: сурункали гастрит *Helicobacter pylori* билан боғлиқлигидан қатъи назар, IgG танқислиги фонида sIgA ва IL-10 даражасининг пасайиши, АСТ, TNF-а, VEGF-А даражасининг ошиши билан тавсифланганлиги тўғрисидаги маълумотлар “Ўсмирларда сурункали

гастритнинг ошқозон ярасига ўтишининг хавф омилларини аниқлаш усуллари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф РШТЎИМ Бухоро филиали (22.05.2024-йилдаги 91-сонли буйруқ), Самарқанд вилоят БКТТМ (16.05.2024-йилдаги 794-сонли буйруқ) ҳамда Бухоро вилоят БКТТМ (17.05.2024-йилдаги 48-сонли буйруқ) клиник амалиётига жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* сурункали гастритнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқилган услубий тавсияномаларни қўллаш натижасида сурункали гастрит учун даволаниш ва касалхонага ётқизишнинг ҳар бир аниқ ҳолатида иқтисодий самарадорлик давлат харажатлари асосида ҳисоблаб чиқилган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* Вилоят ва туман тиббиёт марказлари гастроэнтерологлари ва педиатрларининг амалий фаолиятида тавсия этилган тактикадан фойдаланиш битта беморни даволаш учун давлат бюджетидан 430 минг сўм миқдорида молиявий харажатларни тежаш имконини берди. *Хулоса:* 1-гуруҳ беморларда TNF-α 6.3марта, 2-гуруҳда 5марта юқори эканлиги, ошқозон яра касаллигида маҳаллий қон айланиши бузилиши ва қон-томирлар жароҳатланиши хавфи юқори эканлиги аниқланди.

учинчи илмий янгилик: ўсмирларда сурункали гастрит *Helicobacter pylori* билан боғлиқлигидан қатъи назар, IgG танқислиги ва sIgA камайиши фонида ривожланиши, сурункали гастритда аниқланган иммунологик кўрсаткичларининг хусусиятлари сурункали гастритларнинг кечишини патогенетик механизмларининг янги жиҳатларини очиб бериши тўғрисидаги маълумотлар “Ўсмирларда сурункали гастритнинг ошқозон ярасига ўтишининг хавф омилларини аниқлаш усуллари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф РШТЎИМ Бухоро филиали (22.05.2024-йилдаги 91-сонли буйруқ), Самарқанд вилоят БКТТМ (16.05.2024-йилдаги 794-сонли буйруқ) ҳамда Бухоро вилоят БКТТМ (17.05.2024-йилдаги 48-сонли буйруқ) клиник амалиётига жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* ўсмирларни рационал овқатга ўргатиш, лямблосларни вақтида даволаш ва болаларни она сути орқали озиклантириш орқали гастродуоденал патологиялар сонини ортишини олдини олиш имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* Вилоят ва туман тиббиёт марказлари гастроэнтерологлари ва педиатрларининг амалий фаолиятида тавсия этилган тактикадан фойдаланиш битта беморни даволаш учун давлат бюджетидан 430 минг сўм миқдорида молиявий харажатларни тежаш имконини берди. *Хулоса:* Сурункали гастритларда *Helicobacter pylori*га боғлиқ бўлмаган ҳолда, секретор sIgA ва IL-10 миқдорининг пасайиши, АСТ, TNF-α, VEGF-A миқдорининг ошиши хосдир.

тўртинчи илмий янгилик: сурункали гастрит *Helicobacter pylori* билан боғлиқлигидан қатъи назар, ўсмирларда TNF-α даражасининг ошиши кузатилган, бу ошқозон яраси касаллигини ривожланиш хавфи юқори

эканлигини тўғрисидаги маълумотлар “Ўсмирларда сурункали гастритнинг ошқозон ярасига ўтишининг хавф омилларини аниқлаш усуллари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф РШТЎИМ Бухоро филиали (22.05.2024-йилдаги 91-сонли буйруқ), Самарқанд вилоят БКТТМ (16.05.2024-йилдаги 794-сонли буйруқ) ҳамда Бухоро вилоят БКТТМ (17.05.2024-йилдаги 48-сонли буйруқ) клиник амалиётига жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* Анор данаги мойининг овқатдан кейин истеъмол қилиниши оғрикни камайтириш учун энг катта самарадорликка эга бўлганлиги, кўнгил айниш, қушиш ва диспепсияни олдини олиш каби клиник белгиларнинг камайишига ҳамда *Helicobacter pylori* билан боғлиқ бўлмаган сурункали гастритда анор данаги мойи TNF-а нинг цитотоксик таъсирини фаоллаштириш орқали иммуномодуляцион ва яллиғланишга қарши таъсири натижасида самарали даволаш тизимини шакллантиришга асос бўлган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* Вилоят ва туман тиббиёт марказлари гастроэнтерологлари ва педиатрларининг амалий фаолиятида тавсия этилган тактикадан фойдаланиш битта беморни даволаш учун давлат бюджетидан 430 минг сўм миқдорида молиявий харажатларни тежаш имконини берди. *Хулоса:* 1-гурух беморларда TNF-α 6.3марта, 2-гурухда 5 марта юқори эканлиги, ошқозон яра касаллигида маҳаллий қон айланиши бузилиши ва қон-томирлар жароҳатланиши хавфи юқори эканлиги аниқланди.

бешинчи илмий янгилик: цитокинларнинг юқори концентрациялари IL-1 >5.9 пг/мл, IL-10<8.7 пг/мл, TNF-а >17.0 пг/мл ва VEGF-A >115.6 пг/мл ўсмирларда сурункали гастритнинг яра касаллигига ўтиш хавфининг иммунологик кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар “Ўсмирларда сурункали гастритнинг ошқозон ярасига ўтишининг хавф омилларини аниқлаш усуллари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф РШТЎИМ Бухоро филиали (22.05.2024-йилдаги 91-сонли буйруқ), Самарқанд вилоят БКТТМ (16.05.2024-йилдаги 794-сонли буйруқ) ҳамда Бухоро вилоят БКТТМ (17.05.2024-йилдаги 48-сонли буйруқ) клиник амалиётига жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* *Helicobacter pylori* билан боғлиқ бўлмаган сурункали гастритда анор данаги мойи TNF-а нинг цитотоксик таъсирини фаоллаштириш орқали иммуномодуляцион ва яллиғланишга қарши таъсири натижасида самарали даволаш тизимини шакллантиришга асос бўлиши ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва ногиронликни олдини олишга асос бўлган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* Вилоят ва туман тиббиёт марказлари гастроэнтерологлари ва педиатрларининг амалий фаолиятида тавсия этилган тактикадан фойдаланиш битта беморни даволаш учун давлат бюджетидан 430 минг сўм миқдорида молиявий харажатларни тежаш имконини берди. *Хулоса:* 1-гурух беморларда VEGF-A.2.2марта, 2-гурух беморларда 1.36 марта юқори эканлиги, гастродуоденал касалликларда қон-томирлар жароҳатланиш назариясини тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 6 та, жумладан 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 6 та боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 202 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларга мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари таърифланган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш тизимининг амалиётига тадбиқ қилиш бўйича, эълон қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Гастродуоденал касалликларининг морфологик ва патогенетик асослари”** деб номланган биринчи бобида мазкур йўналишда замонавий маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили, шу жумладан гастродуоденит ва ошқозон яраси этиологияси ва патогенези бўйича янги маълумотлар муҳокама қилинган. Сурункали гастродуоденитнинг янги иммунологик механизмлари таҳлил қилинган, гастродуоденал касалликларнинг иммунологик белгилари сифатида цитокинларнинг диагностик қиймати тавсифланган, шу билан бирга кейинги тадқиқотларни талаб қиладиган мунозарали масалалар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотдаги беморларнинг хусусиятлари ва экспериментал тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида босқичма-босқич тадқиқотлар тасвирланган. Биринчи босқичда 108 та 1 ойдан 2 ойгача бўлган, 100 дан 150 граммгача бўлган оқ зотсиз эркак жинсли каламушлар ошқозонининг морфологик ва морфометрик параметрлари ўрганилган. Ҳайвонлар назорат ва экспериментал гуруҳларга бўлиш йўли билан танланган. Назорат гуруҳида жароҳат етказилишидан олдин ошқозоннинг морфологик ва морфометрик хусусиятлари ўрганилган. Бунинг учун сўйишнинг инсонпарвар усули қўлланилган, унда 3-4 мл/кг эфир дозаси билан каламушлар беҳушлиги остида эксперимент ўтказилган. Экспериментал гуруҳ ичида "А" кичик гуруҳи бўлиб, бунда экспериментал гастрит ва ошқозон яралари пайдо бўлгандан кейин ҳеч қандай даволаш кўрсатилмаган, фақат ҳайвонларнинг ҳолатини тизимли назорат қилиш

амалга оширилган. Бундан ташқари, экспериментал "В" кичик гуруҳида экспериментал гастрит ва ошқозон шиллик қавати шикастланган ҳайвонлар анор данаги мойи билан даволанган (бир марта 1 мл/кг). Дастлаб 1-гуруҳдаги каламушларга индометацин (25 мг/кг) интрагастрик равишда юборилган ва 2-гуруҳга эса ошқозон ярасини индукция қилиш учун 0,05 мл 30% сирка кислотаси юборилган. Ошқозон яраси пайдо бўлганидан 21 кун ўтгач, анор данаги мойи билан даволаш бошланган. Назорат гуруҳида эвтаназия касаллик бошланишидан олдин, экспериментал гуруҳларда эса 1 ва 3 - кунларда (ўтқир давр), 7 ва 14-кунларда (ўтқир ости давр), 21 ва 28-кунларда (узок давр) индометацин ёки сирка кислотаси киритилгандан кейин амалга оширилган. Ҳайвонларнинг ошқозонидаги шикастланишнинг оғирлиги окуляр микрометрли бинокуляр лупа ёрдамида, зарарнинг умумий майдонини мм² да аниқлаш орқали баҳоланди. Гуруҳда ошқозон яралари шикастланишларининг ўртача майдони ҳисоблаб чиқилган.

Ярага қарши таъсир (%) назорат гуруҳига нисбатан экспериментал ҳайвонларда жароҳатларнинг оғирлигини камайтириш даражасини ўлчаш йўли билан аниқланган.

Таърифланган тажрибаларни ўтказгандан сўнг, яраларни даволанишини баҳолаш учун каламушлар ошқозон тўқималарининг гистологик текшируви ўтказилган.

Ульцероген таъсирини баҳолаш учун 4 балли шкала ишлатилган, бу ерда 0 ҳеч қандай зарарни аниқламайди, 0,5 гиперемияга тўғри келади, 1 битта кичик жароҳат мавжудлигини (1 ёки 2 нуқта қон кетиши), 2 эрозия ва нуқта қон кетиши каби бир нечта жароҳатларни, 3 касалликда шиллик қаватнинг (эрозия, қон кетиши) сезиларли ва кўп зарарланишларни аниқлатади ва 4 шиллик қаватнинг бутун юзасини қоплайдиган ялли яраларни, шу жумладан катта қон кетишлар, эрозиялар ва перфорацияларни акс эттиради.

Иккинчи босқичда гастродуоденал зонанинг *Helicobacter pylori* билан боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган патологиясининг тарқалишини аниқлаш учун 0-18 ёшдаги 120 нафар бола текширилган.

Сурункали гастродуоденит (СГ) билан оғриган болалар ва ўсмирларнинг объектив текшируви шуни кўрсатдики, деярли барча ҳолатларда қорин оғриғи синдроми белгилари (97%) мавжуд. Ушбу синдром кўпинча ўзини ўртача интенсивликдаги кеч (оқ) оғриқ шаклида намоён қилган ва киндик атрофида, эпигастрал ёки пилородуоденал соҳаларда локализацияси аниқланган. Кўпгина ҳолларда санчиқли ва қамровчи оғриқлар кузатилган, улар ўз-ўзидан, тинчланганда ёки оз миқдорда овқат истеъмол қилгандан кейин камайиши аниқланган. Беморларнинг 26,7% спазмолитиклар, антацидлар ва анальгетиклар каби дори-дармонларга муҳтож бўлган. Эпигастрал соҳани пальпация қилиш пайтида оғриқ беморларнинг эпигастрал соҳасида 29,7% да, пилородуоденал соҳада – 24,2% да, параумбиликал соҳада – 61,9% да ва ўнг қовурға остида – 12,7% ҳолатларда кузатилган. Диспептик синдромнинг белгилари 92,4% ҳолларда учраган. Беморларнинг 55,1% ич қотиш тенденцияси, 3% эса диарея кузатилган. Парасимпатик асаб тизимининг фаоллиги устун бўлган автоном дисфункция

белгилари деярли барча беморларда (93,6%) аниқланган. Интоксикация синдроми терининг якқол оқариши (24,6%), периорбитал соялар мавжудлиги (26,7%), ҳолсизликнинг ошиши (38,1%) ва субфебрил тана ҳарорати кўтарилиши (2,5%) билан намоён бўлди. Тил 56,3% ҳолларда қараш билан қопланган.

Тери ва кўринадиган шиллиқ қаватлардаги ўзгаришлар қуруқ тери (22,9%), фолликуляр кератоз (19,5%), "ифлосланган тери" аломати (5,9%), аллергик тери тошмаси (13,6%), хейлез (5,9%), ёриқлар ва "географик" тил (16,1%) симптомлари кузатилган. Тана вазнининг етишмаслиги болалар ва ўспиринларнинг 13,6 %да, ортиқча вазн эса 26,7 %да аниқланган.

Тадқиқот 14-17 ёшдаги сурункали гастрит билан касалланган 2021-2023 даволанган 120 нафар болада ўтказилган.

СГ текшируви халқаро касалликлар таснифи (МКБ-10) бўйича таснифланган Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) талабларига мувофиқ амалга оширилган. Тадқиқотда 73 нафар беморда *Helicobacter pylori* билан ассоциирланган СГнинг эрозив шакли (60,8%), 47 нафарда - *Helicobacter pylori* билан боғлиқ бўлмаган эрозив СГ (39,2%), аниқланган ва бу ҳолат ўсмирларда *Helicobacter pylori* билан боғлиқ бўлган СГнинг 1,5 маротаба кўп учрашини кўрсатади.

Сурункали гастритнинг патоморфологик диагностикаси фиброгастроскопия ва модификация қилинган Сидней тизимида асосланган. *Helicobacter pylori* IgM ва IgG антителоларини аниқлаш орқали ташхисланган.

H. pylori га қарши (IgG ва IgM) антителолари ИФА усулида Diagnostic System Laboratories (АҚШ) тестлари ёрдамида аниқланган. *Helicobacter pylori* IgG нинг концентрацияси $106,7 \pm 8,6$ АЕ/мл; *H. pylori* IgM – $71,2 \pm 5,3$ АЕ/мл га тенг бўлган.

Эндоскопия жараёни БВКТТМ гастроэнтерологи Чориев Ж.С. томонидан амалга оширилди. Эндоскопик текширув вақтида кейинги морфологик текшириш учун ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак шиллиқ қаватининг нуқтали биопсияси ўтказилди. Намуналар олд ва орқа деворларнинг ўрта учдан бир қисмидан ва ошқозон антрал қисмидан олинган. Цитокинлар, ўсиш ва зарарланиш омиллари (IL-1 β , IL-10, TNF α , VEGF) «Цитокин» (Санкт-Петербург) реагентлари билан аниқланган. Беморлар қон зардобиди (IgG ва IgM) *H. Pylori* антителолари, А, М, G иммуноглобулинлари, IL-1 β , IL-10, TNF α , VEGF, оғиз суяқлигида секретор IgA таҳлил қилинган. Шу билан бирга, қон намунаси даволанишдан олдин ва даволашдан 3 ҳафта (21 кун) кейинги даврларда амалга оширилган.

Тадқиқот давомида олинган маълумотлар Microsoft Office Excel дастурлар ва SPSS (Statistica 12.0) тўплами, шу жумладан статистик ишлаш учун ички ўрнатилган функциялар ёрдамида Windows 10 шахсий компютерида статистик ишланган.

Диссертациянинг «**Хусусий текшириш натижалари**» деб номланган учинчи бобида оқ зотсиз каламушлар ошқозонининг морфологик тузилишини ўрганиш натижалари келтирилган. Бир ойлик оқ зотсиз каламушларнинг органометрик ва морфометрик параметрларини таҳлил

қилишда қуйидаги натижаларга эришилган: каламушнинг ўртача вазни $163 \pm 2,55$ г. Ошқозон вазни $0,7 \pm 0,015$ г, ошқозон узунлиги - $24 \pm 0,60$ мм, ошқозон диаметри - $17 \pm 1,4$ мм, ва ошқозон ҳажми - $1,55 \pm 0,15$ мл ташкил этган (1-жадвал).

1-жадвал.

Бир ойлик оқ зотсиз каламушларининг органометрик ва морфометрик параметрлари

Текширилган габаритлар	Кўрсаткичлар
Каламуш вазни (г)	$163 \pm 2,55$
Ошқозон вазни (г)	$0,7 \pm 0,015$
Ошқозон узунлиги (мм)	$24 \pm 0,60$
Ошқозон диаметри (мм)	$17 \pm 1,4$
Ошқозон ҳажми (мл)	$1,55 \pm 0,15$

Бир ойлик оқ каламушларнинг ошқозон девори қатламларини микроморфометрик ўлчовлари қуйидаги натижаларни берган:

Кардиал қисмда:

Шиллик қавати қалинлиги $332 \pm 21,5$ мкм,

Шиллик ости қавати - 85 ± 10 мкм,

Мушак қатлами - $215 \pm 20,1$ мкм,

Ошқозон деворининг умумий қалинлиги - $655 \pm 65,8$ мкм.

Қатламларнинг фоиздаги кўрсаткичлари: шиллик қавати 50,6%, шиллик ости - 12,8%, мушак қатлами - 32,8%ни ташкил этган.

Фундал қисмда:

Шиллик қавати қалинлиги - 367 ± 14 мкм,

Шиллик ости - $97 \pm 13,9$ мкм,

Мушак қатлами - $86 \pm 6,1$ мкм,

Ошқозон деворининг умумий қалинлиги - 665 ± 10 мкм.

Қатламларнинг фоиздаги кўрсаткичлари: шиллик қавати 51%, шиллик ости - 13%, мушак қатлами - 31%ни ташкил этган.

Тана қисмида:

Шиллик қавати қалинлиги - $355 \pm 41,2$ мкм,

Шиллик ости - 89 ± 6 мкм,

Мушак қатлами - $204 \pm 38,2$ мкм,

Ошқозон деворининг умумий қалинлиги - 648 ± 14 мкм.

Қатламларнинг фоиздаги кўрсаткичлари: шиллик қавати 54,7%, шиллик ости - 13,8%, мушак қатлами - 31%ни ташкил этган.

Пилорик қисмда:

Шиллик қавати қалинлиги - $275 \pm 30,1$ мкм,

Шиллик ости - $155 \pm 7,5$ мкм,


Мушак қатлами - $98 \pm 22,1$ мкм,

Ошқозон деворининг умумий қалинлиги - 528 ± 30 мкм.

Қатламларнинг фоиздаги кўрсаткичлари: шиллик қавати 52,0%, шиллик ости - 29,3%, мушак қатлами - 18,5%ни ташкил этган.

Ушбу маълумотлар бир ойлик оқ каламушларда ошқозон деворининг тузилиши ҳақида батафсил маълумот беради, бу ошқозоннинг турли

қисмларида қалинлиги ва турли қатламларнинг фоизидаги фарқларни кўрсатади. Ушбу ўлчовлар ёш каламушларда ошқозон қандай ривожланишини тушунишга ёрдам беради ва тадқиқотда ошқозон физиологияси ва патологиясининг турли жиҳатларини тушуниш учун ишлатилиши мумкин.



1- расм. Бир ойлик оқ зотсиз каламушларда ошқозон девори қатламларининг қалинлигини фоиздаги кўрсаткичлари

2-жадвалда келтирилган маълумотлар икки ойлик оқ каламушларда ошқозоннинг морфологик ривожланиши ҳақида муҳим маълумот беради, ошқозоннинг турли қисмлари қалинлиги ва турли қатламларнинг фоизидаги фарқларни кўрсатган. Олинган натижалар кемирувчиларда ошқозон физиологияси ва патологиясини ўрганиш учун ишлатилиши мумкин.

2-жадвалда икки ойлик оқ зотсиз каламушларнинг ошқозон қатламларини микроморфометрик ўлчовлари келтирилган ва ошқозоннинг кардиал, фундал, тана ва пилорик қисмлари ўрганилган. Ўлчовлар учта қатлам учун амалга оширилган: шиллик қавати, шиллик ости қатлами ва мушак қавати, ҳамда ошқозоннинг ҳар бир қисмини умумий қалинлиги кўрсатилган.

2-жадвал.


Икки ойлик оқ зотсиз каламушларнинг ошқозон қатламларини микроморфометрик ўлчовлари

Ошқозон қатламлари	Кардиал қисм	Фундал қисм	Тана қисми	Пилорик қисм
Шиллик қавати	372±23,5	397±16	401±42,2	295±31,1*
Шиллик ости қатлами	98±10,0	103±15,9	97±6,0	165±7,9*
Мушак қатлами	235±20,1	97±6,3**	214±38,2	108±24,1*
Умумий қалинлиги	785±60,8	658±10*	781±14	643±31*

*Изоҳ: оқ зотсиз каламушларда ошқозоннинг кардиал қисми ва бошқа қисмлари ўртасидаги фарқлар ишончлилиги (* - $p \leq 0,05$) ** - $p \leq 0,01$)*

Ошқозоннинг кардиал қисмида шиллик қавати қалинлиги $372 \pm 23,5$ мкм, шиллик ости қатлами — $98 \pm 10,0$ мкм, мушак қатлами — $235 \pm 20,1$ мкм, умумий қалинлиги $785 \pm 60,8$ мкмни ташкил этган. Фундал қисмида қуйидаги кўрсаткичлар аниқланган: шиллик қавати — 397 ± 16 мкм, шиллик ости қатлами — $103 \pm 15,9$ мкм, мушак қатлами — $97 \pm 6,3$ мкм**, умумий қалинлиги — 658 ± 10 мкм*. Тана қисмида шиллик қаватининг қалинлиги $401 \pm 42,2$ мкм, шиллик ости қатлами — $97 \pm 6,0$ мкм, мушак қатлами — $214 \pm 38,2$ мкм ва умумий қалинлиги 781 ± 14 мкм. Пилорик қисмда қуйидаги ўлчовлар аниқланган: шиллик қаватининг қалинлиги — $295 \pm 31,1$ мкм*, шиллик ости қатлами — $165 \pm 7,9$ мкм*, мушак қатлами — $108 \pm 24,1$ мкм*, умумий қалинлиги — 643 ± 31 мкм*.

Юқоридагилардан хулоса қилишимиз мумкинки, ошқозон тўрт қисмдан иборат: кардиал, фундал, тана ва пилорик. Гистологик жиҳатдан у шиллик қават, шиллик ости қатлами, мушак қатлами ва сероз қатламдан иборат.



2-расм. Икки ойлик оқ зотсиз каламушларнинг ошқозон девори қатламларини морфометрик кўрсаткичлари. Бўёк гематоксилин-эозин. Об 10x10 ок.

Ўткир ошқозон яраси кичик нуқтадан бир неча сантиметргача катталиқда бўлиши мумкинлиги аниқланган ва яра битта ёки кўп миқдорда бўлиши мумкин. Кўпинча овал, юмалоқ ёки нотўғри шаклдаги яралар кузатилган. Ўткир яралар асосан шиллик қаватнинг сирт қатламида жойлашган. Баъзан улар бутун шиллик қават орқали шаклланиб боради, лекин шиллик қавати чегарасидан ташқарига чиқмайди. Камдан кам ҳолларда ўткир яралар субмукозал ва мушак қатламларига таъсир қилиши мумкин, бу таъсир этувчи модданинг миқдори ва токсиклигига боғлиқ. Ошқозон яраси ошқозоннинг барча қисмларига тенг равишда тарқалиши мумкин. Яранинг туби кўпинча тоза бўлади, лекин баъзида қон ҳужайраларининг меъда шираси билан реакцияси натижасида гематин хлорид ҳосил бўлиши туфайли жигарранг рангга эга бўлиши мумкин.

Микроскопик текширувда ўткир яралар конус шаклидаги ёриқлар кўринишига эга бўлиб, уларнинг чегараси шиллик қават асосига қаратилган. Яранинг ички қисми тоза бўлиши мумкин ва баъзида озик-овқат қолдиқлари, некротик шиллик қават, эпителий ҳужайралари ёки аморф моддалар мавжудлиги аниқланган. Қон кетиши кам ҳолларда учраган.


Ўткир яра остида шиллик ости қатлами одатда бузилмасдан қолади. Шу билан бирга, шиллик ости, мушак қатлами ва сероз қаватда шиш, қон томирларининг тўлишиши, уларнинг интима деформацияси ва периваскуляр яллиғланиш инфилтрати аниқланиши мумкин. Шиллик қаватдаги яра атрофида шиш, яллиғланишли инфилтрат ва фибрин толалари аниқланган.

Баъзи ҳолларда шиллик қаватида шиш, қон кетиш, эпителий ҳужайраларининг фокал некрози ва эрозия деб аталадиган кичик нуқсонлар кузатилади. Микроскопик даражадаги ошқозон эрозияси шиллик қаватнинг мушак пластинкаси даражасига қадар шикастланиши билан тавсифланади. Шунда эрозия ўткир ярага айланиши мумкин.

Тадқиқотда ошқозон яраси бўлган икки ойлик зотсиз каламушларда анор данаги мойи билан даволагандан сўнг морфологик ўзгаришларни ўрганиш натижалари келтирилган. Морфологик ва морфометрик ўлчовларга асосланиб, ошқозонда регенерация жараёни қисқа муддат давом этиши ва яралар чандиксиз даволаниши исботланган.

